

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**МОНЕТАР СИЁСАТ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340701 – “Кредит” магистратура мутахассислиги
учун**

Ташкент – 2003

Тузувчилар: доц. Норқобилов С.
к.ўқ. Равшанов Х.М.
Тақризчилар: муовини Қоралиев Т. М.

"Монетар сиёсат" фани етакчи фанлардан бири бўлиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни замонавий пул-кредит дастаклари орқали мувофиқлаштиришнинг назарий ва амалий ҳолатлари, Марказий банк монетар сиёсати, монетаризм оқими, пул-кредит назариялари, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усуллари, пул муомаласини ривожлантиришда давлатнинг роли, Ўзбекистон Республикасида эмиссион ишларини ташкил этиш, монетар сиёсатдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари билан боғлиқ мавзулар ёритилади.

Предмет "Монетарная политика", являясь одним из ведущих предметов, освещает темы связанные с теоретическими и практическими аспектами регулирования экономики в современных условиях рыночной экономики посредством денежно-кредитных рычагов, монетарной политикой Центрального банка, течением монетаризма, денежно-кредитными теориями, методами осуществления денежно-кредитной политики, ролью государства в развитии денежных отношений, организацией эмиссионной работы в Республике Узбекистан, проблемами монетарной политики и путями ее решения.

The subject "Monetary politics", being one of conducting subjects, shines(covers) themes connected with theoretical and practical aspects of regulation of economy in modern conditions of market economy by means of monetary and credit levers, monetary politics of the Central bank, current of monetarism, monetary and credit theories, methods of realization of a monetary and credit policy, a role of the state in development of monetary attitudes(relations), the organization of issue job in Republic of Uzbekistan, problems of monetary politics and ways of its(her) decision.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Монетар сиёсат фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли қарорига асосан тасдиқланган давлат таълим стандартига асосан "Монетар сиёсат" фани ўқитилади. "Монетар сиёсат" курси бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни замонавий пул-кредит дастаклари орқали мувофиқлаштиришнинг назарий ва амалий ҳолатларини ўргатади. Бу курсни ўрганиш учун Марказий банкнинг пул-кредитни мувофиқлаштириш бўйича олиб бораётган сиёсати билан танишиб чиқиш керак.

Иқтисодиётни пул-кредит орқали мувофиқлаштириш замонавий иқтисодий фанларнинг динамик йўналишларидан биридир. Шунинг билан бирга Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишида чет давлатларда иқтисодни пул кредит орқали мувофиқлаштириш жараёнидаги тажрибаларини чуқур ўрганиб чиқиш лозим. Бу Марказий банкка иқтисодиётни пул-кредит орқали назорат қилишининг таркибий восита ва усуллари кайта қўллашга имкон

беради. Бу курснинг асосий мақсади бўлиб, пул-кредит орқали мувофиқлаштиришнинг турлича йўналишларини ўрганиш ҳисобланади.

Фан бўйича магистрлар билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Бу курсни ўрганиш жараёнида талабалар нафақат Республикада чиқаётган қонунларни, балки жаҳондаги етакчи давлатларнинг банк соҳасидаги қонунларини ҳам билишлари шарт. Пул назариясига кейнсча ёндашиш - пул ва уни оператив қўллаш, хўжаликларнинг ривожланиш суратини рағбатлантириш ва иқтисодий конъюктурани кунлик бошқариш; монетаризм бўйича пулни фақат пул муомаласи соҳасида қўллашни амалга оширишини назарий жиҳатдан ўрганишлари лозим.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

Бу фан бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлангандир. Шулардан "Банк рисклари", "Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими", "Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш", "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" ва бошқалар.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

"Монетар сиёсат" курсини ўқитишни илғор педагогик технологиясининг таркибий қисми бўлмиш: 1) ўқув мақсадларини ва вазифаларини каталогини ишлаб чиқиш; 2) ўқув мақсадларини назорат қилиш; 3) ўқув мақсадларига эришиш; 4) режалаштирилган мақсадларни бажарилишини баҳолаш каби нуқтаи назардан ташкил этиш тавсия этилади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Монетар сиёсат" фани 1-семестрда ўқитилади. Истикболли ҳисоб-китобларни тузиш ва олиб боришда компьютерлардан кенг фойдаланади ҳамда ўқув жараёни рейтинг тизимида ташкил қилинади.

Магистрлар билимини баҳолаш ҳамда назорат қилишда кўп вариантли тестлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш лозим. Шунингдек, айрим амалий дарсларни банк муассасаларида ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Магистрлар билимини баҳолашда қўлланиладиган назорат тадбирлари

"Монетар сиёсат" фанида талаба ўқув жараёнида икки маротаба оралик ва жорий ҳамда бир маротаба якуний назорат орқали баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга барча мутахассисликлари учун 80 соат ҳажмида вақт ажратилган. Улардан маъруза 40 соат, амалий машғулот дарслари 40 соат, мустақил ишга 40 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Фаннинг мазмуни

Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифалари

Монетар сиёсатнинг мақсади ва моҳияти. *Пул-кредит сиёсатининг услублари ва турлари.* Макроиктисодий сиёсатни ривожланишида монетар сиёсатни тутган ўрни ва роли. Пул-кредит сиёсатининг макроиктисодий сиёсатга таъсири. Марказий банк монетар сиёсатининг асосий йўналишлари.

Пул-кредит концепцияларининг илк назарий асослари - пул назариялари

Пул назариясининг асосий йўналишлари. Пулнинг металллик назарияси билан пулнинг шакли ва асосий қийматини боғланиши. Тўла қийматга эга бўлмаган пуллар муомалада бўлган вақтдаги монетар сиёсат ва номиналистик назария. *Монетар сиёсатда номинализм тарафдорларини мақсади ва вазифаси.* Пулнинг миқдорийлик назарияси ва монетаризмни баҳолаш билан алоқаси. Миқдорийлик назарияси тарафдорларининг пулни қийматасоси сифатидаги қарашлари. *И. Фишернинг миқдорийлик назарияси. Фишер назарияси бўйича пулни сотиб олиш қувватини белгиловчи омиллар.* Фишернинг айирбошлаш тенгламаси.

Ҳозирги замон монетаризми. Монетаризм пулнинг миқдорий назарияси сифатида.

Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширувчи ташкилот сифатида

Марказий банкнинг мақоми ва уни ташкил этиш шакллари. Марказий банк бажарадиган асосий функциялар. Марказий банкнинг мустақиллиги ва уни таъминлаш шартлари. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг мақсади ва вазифалари.* Марказий банкнинг давлат билан ўзаро муносабатлари. Монетар сиёсатни *ривожлантиришида Марказий банкнинг тутган ўрни ва роли.*

Монетаризм оқимининг пул-кредит назариялари

Ҳозирги замон монетаризми. М.Фридмен монетаризм назарий оқимининг асосчиси сифатида. Монетаризм - ҳозирги замон миқдорийлик назарияси. Бозор иқтисодиётининг "барқарорлиги". Иқтисодий ривожланиш цикллари ва инқирозлар. Пулларнинг иқтисодий тизимга таъсир этиш йўллари. Валюта курси ва тўлов баланси. Фаолликни инкор қилиш "Фискал" - монетаризм концепцияси." Янги макроиктисодиёт оқимининг назарий хулосалари. *Монетаризм пулларга - талаб ва таклиф хусусидаги концепцияси.* Фридмен концепцияси ва унинг формуласи.

Пулни миқдорий назариясини Кембридж йўналиши. Миқдорий пул назарияси - монетаризм трансакцион тури ва "касса қолдиқлари" йўналишлари.

Неокейнсчилик, неомиқдорийлик ва унинг асосий назарий қоидалари

Неокейнсчилик оқимининг юзага келиш сабаблари. *Неокейнсчиликнинг асосий қоидалари.* *Инфляция назарияси, ишсизлик ва цикллار хусусидаги қарашлар.* Пулларга талаб ва таклиф. Фоииз ставкаларининг пул массасини тартибга солишдаги роли.

Неомиқдорийлик оқимининг пул-кредит концепциялари, унинг юзага келишидаги шарт-шароитлар. *Фоииз ставкаларини аҳамияти хусусидаги қарашлар.* Пулларга талаб концепцияси.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида етакчи пул-кредит назарияларининг илмий хулосаларидан фойдаланиш имкониятлари.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усуллари ва воситалари

Пул-кредит сиёсати усулларини туркумланиши, умумий ва селектив усуллари. Анъанавий инструментлар:

- қайта молиялаштириш сиёсати;
- мажбурий резервлар сиёсати;
- очиқ бозор сиёсати;
- депозит сиёсати;
- валюта сиёсати, дисконт ва девиз сиёсатлари, валюта интервенцияси, валюта резервлари диверсификацияси, девальвация ва ревальвация.

Пул оборотини прогнозли режалаштириш

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида пул оборотини прогнозлашда юзага чиқадиган ўзгаришлар. *Пул оборотини режалаштиришнинг мақсади, объекти ва методлари.* Пул обороти режалари ва улар орасида ўзаро боғлиқлик. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси. Унинг моҳияти ва аҳамияти. Банкларда пул оборотини ҳисоб-китоблар қилиш тартиби ва унинг пул муомаласи учун аҳамияти.

Нақд пул оборотини ташкил этиш

Банк кассаларига нақд пул қабул қилишни ташкил этиш. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида касса операцияларини олиб бориш тартиби. *Банккассаларидан нақд пул беришнинг шартлари ва тартиби.* Кассақолдиғи лимити ва тушумдан нақд пул ишлатишнинг меъёрини ўрнатиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасида эмиссия, касса ишларини ташкил этиш

Эмиссия, касса операция тушунчаси. *Эмиссия турлари, пул белгиларининг муомалага чиқариш тартиби.* Эмиссион операцияларни ташкил этиш қоидалари. Заҳира фонди ва оборот кассаси, эмиссия операциясини ташкил қилишда уларнинг роли. Эмиссия операциясини мувофиқлаштириш.

Монетар сиёсатда давлатнинг роли

Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва уни монетар сиёсатга таъсири. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини белгиловчи омиллар. Давлатбюджети давлат сиёсатининг иқтисодий замини сифатида. *Давлат бюджети ва монетар сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги.* Давлат бюджети каммадининг мазмуни ва уни юзага келтирувчи сабаблар. *Бюджет дефицитининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари.* Давлат бюджетининг касалли дефицити. Давлат бюджетининг дефицити билан муомаладаги пул массасининг ўсиши ўртасидаги бевосита ва билвосита алоқадорлик. Жаҳон бозори билан муносабатларни тартибга солиш: божхона ва савдо сиёсатини, валюта сиёсатини ва умумиқтисодий сиёсат элементларининг мос келиши: *Бозор муносабатларини бошқариш ва давлатни иқтисодиётга аралашуви, пул-кредит ва бюджет сиёсати.*

Монетар сиёсатдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари

Миллий валютани конвертациялаш муаммолари.

Конвертация ва унинг мамлакат иқтисодиётини аҳволи ҳамда ҳолатига таъсири.

Конвертация ва конверсион операциялар.

Миллий валютани конвертирлаш - бу ички бозорни жаҳон бозори билан тўғридан-тўғри алоқаси сифатида.

Миллий валютани конвертирлаш даражаси.

Конвертирлаш элементлари: соф бозор курсида валюта чеклашларини йўқлигида, резидентларнинг хорижий валюталарга эга бўлишлари ва уларни бошқариш ҳуқуқи, норезидентларни миллий валюта билан операциялари.

Фаол пул сиёсати. *Пул массасининг доимий ўсиш қондаси.* Пул массасининг ўсишининг ўрнатилган ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлари.

Инфляция тушунчаси. Инфляциянинг асосий турлари:

1. ёпиқ ва очиқ турдаги инфляция;
2. локал ва жаҳон инфляцияси;
3. судралувчи инфляция;
4. йўргакловчи инфляция;
5. экспорт қилинадиган инфляция;
6. гиперинфляция.

Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар.

Инфляцияни ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари. Инфляцияга қарши кураш йўллари ва антиинфляцион сиёсат.

Антиинфляцион сиёсатнинг асосий йўналишлари. Унинг стратегияси ва тактикаси. Ўзбекистон Республикасида анъанавий антиинфляцион сиёсатдан фойдаланишдаги ўзига хосликлар.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ

Монетар сиёсатнинг мақсад ва йўналишлари

Монетар сиёсатнинг мақсади ва вазифалари. Монетар сиёсатнинг моҳияти ва унинг намоёндалари. Пул-кредит сиёсатининг методлари, турлари ва уларни мувофиқлаштириш. Макроиқтисодий сиёсатни ривожланишида пул-кредит сиёсатининг тутган ўрни. Марказий банк монетар сиёсатининг асосий йўналишлари*.

Пул-кредит концепцияларининг пул назарияларида тутган ўрни

Пул назариясининг келиб чиқиш тарихи. Пулнинг металликназарияси билан пулнинг шакли ва асосий қийматини боғланиши. Тўла қийматга эга бўлмаган пуллар муомалада бўлган вақтдаги монетар сиёсат ва номиналистик назария. Номинализм монетар сиёсати тарафдорларини мақсади ва вазифаси*.

Пулни миқдорий назарияси ва монетаризм*.

Пулнинг миқдорий назарияси ва монетаризмни баҳолар билан ўзаро алоқаси. Миқдорийлик назарияси тарафдорларининг пулни қиймат асоси сифатида қарашлари.

И. Фишернинг миқдорий назарияси. Фишер назарияси бўйича пулни сотиб олиш қувватини белгиловчи омиллар. Фишернинг айирбошлаш тенгламаси.

Ҳозирги замон монетаризми. Монетаризм пулнинг миқдорий назарияси сифатида*.

Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширувчи ташкилот сифатида

Марказий банкнинг мақоми ва уни ташкил этиш шакллари. Марказий банкнинг асосий вазифалари ва функциялари*. Марказий банкнинг мустақиллиги ва уни таъминлаш шартлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг мақсади ва вазифалари. Марказий банкнинг давлат билан ўзаро муносабатлари. Пул-кредитни мувофиқлаштиришда Марказий банкнинг роли*. Марказий банк балансининг асосий бўлимлари ва моддалари.

Монетаризм оқимининг пул-кредит назариялари

Ҳозирги замон монетаризми.

М. Фридмен монетаризм назарий оқимининг асосчиси сифатида. Монетаризм - ҳозирги замон миқдорийлик назарияси*. Бозор иқтисодиётининг "Барқарорлиги". Иқтисодий ривожланиш цикллари ва инқирозлар. Пулларнинг иқтисодий тизимга таъсир этиш йўллари. Валюта курси ва тўлов баланси. Фаолликни инкор қилиш "Фискал"- монетаризм концепцияси". Янги макроиқтисодиёт оқимининг назарий хулосалари. Монетаризм пулларга - талаб хусусидаги концепцияси. Пулларга таклиф хусусидаги концепция. Фридмен концепцияси ва унинг формуласи*.

Пулни миқдорий назариясини Кембридж йўналиши. Миқдорий пул назарияси - монетаризм трансакцион тури ва "касса қолдиқлари" йўналишлари*.

Неокейнсчилик, неомиқдорийлик ва унинг асосий назарий қоидалари

Неокейнсчилик оқимининг юзага келиш сабаблари*. Неокейнсчиликнинг асосий қоидалари. Инфляция назарияси, ишсизлик ва цикллар хусусидаги қарашлар. Пулларга талаб ва таклиф. Фоиз ставкаларининг пул массасини тартибга солишдаги роли..

Неомиқдорийлик оқимининг пул - кредит концепциялари унинг юзага келишидаги шарт - шароитлар. Фоиз ставкаларини аҳамияти хусусидаги қарашлар. Пулларга талаб концепцияси*.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усуллари ва қуроллари

Пул-кредит сиёсати усулларини туркумланиши:

- мажбурий резервлар сиёсати ва унинг қўлланилиши;
- ремолиялаштириш сиёсати, унинг ўтказилиши;
- очик бозор сиёсати, унинг пул муомаласидаги ўрни;
- депозит сиёсати;
- валюта сиёсати, дисконт ва девиз сиёсатлари, валюта интервенцияси валюта резервлари диверсификацияси, девальвация ва ревальвация.

Пул оборотини прогнозли режалаштириш

Бозор иқтисодиётининг шароитида пул муомаласини прогнозлашда юзага чиқадиган ўзгаришлар. Пул оборотини режалаштиришнинг мақсади, объекти ва методлари*. Пул обороти режалари ва улар орасида ўзаро боғлиқлик. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси. Унинг моҳияти ва аҳамияти банкларда пул оборотини ҳисоблаш ва унинг пул муомаласи учун аҳамияти. Амалиётматериаллари асосида масала ечиш. (№ 6 Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласини ташкил қилиш қоидаларига асосланган ҳолда).

Нақд пул оборотини ташкил этиш

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида касса операцияларини олиб бориш тартиби*. Банк кассаларига нақд пул қабул қилишни ташкил этиш. Банк кассаларидан нақд пул беришининг шартлари ва тартиби. Касса қолдиғи лимити ва тушумдан нақд пул ишлатишнинг меъёрини ўрнатиш тартиби. Амалиёт материаллари асосида масала ечиш.

Ўзбекистон Республикасида эмиссия, касса ишларини ташкил этиш

Эмиссион операция тушунчаси. Эмиссия турлари, пул белгиларини муомалага чиқариш тартиби*. Эмиссион операцияларни ташкил этиш қоидалари. Заҳира фонди ва оборот кассаси, эмиссия операциясини ташкил қилишда уларнинг роли. Эмиссион операциясини мувофиқлаштириш. Масалалар ечиш.

Монетар сиёсатда давлатнинг роли

Давлат бюджети давлат сиёсатининг иқтисодий замини сифатида. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини белгиловчи омиллар*. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва уни монетар сиёсатга таъсири. Давлат бюджети ва монетар сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. Давлат бюджети камомадининг мазмуни ва уни юзага келтирувчи сабаблар. Бюджет дефицитининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари. Давлат бюджетининг кассали дефицити. Давлат бюджетининг дефицити билан муомаладаги пул массасининг ўсиши ўртасидаги бевосита ва билвосита алоқадорлик*. Жаҳон бозори билан муносабатларни тартибга солиш: божхона ва савдо сиёсатини, валюта сиёсатини ва умуиктисодий сиёсат элементларининг мос келиши: Бозор муносабатларини бошқариш ва давлатни иқтисодиётга аралашуви, пул, кредит ва бюджет сиёсати*. Ситуацион масалалар ечиш.

Монетар сиёсатдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари

Миллий пул бирлигини конвертациялаш*. Конвертация ва мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ҳамда ҳолатига таъсири. Конвертация ва конверсион операциялар*.

Миллий валютани конвертирлаш бу ички бозорни жаҳон бозори билан тўғридан-тўғри алоқаси сифатида.

Миллий валютани конвертирлаш даражаси.

Конвертирлаш элементлари: соф бозор курсида валюта чеклашларини йўқлигида, резидентларнинг хорижий валюталарга эга бўлишлари ва уларни бошқариш ҳуқуқи, норезидентларни миллий валюта билан операциялари*.

Фаол пул сиёсати. Пул массасининг доимий ўсиш қоидаси. Пул массасининг ўсишининг ўрнатилган ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлари*.

Инфляция тушунчасини мазмуни. Инфляциянинг асосий турлари:

1. ёпик ва очиқ турдаги инфляция;
2. локал ва жаҳон инфляцияси;
3. судралувчи инфляция;
4. йўргакловчи инфляция;
5. экспорт қилинадиган инфляция;
6. гиперинфляция.

Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар.

Инфляцияни ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари. Инфляцияга қарши кураш йўллари ва антиинфляцион сиёсат. Антиинфляцион сиёсатнинг асосий йўналишлари. Унинг стратегияси ва тактикаси. Ўзбекистон Республикасида анъанавий антиинфляцион сиёсатдан фойдаланишидаги ўзига хосликлар*. Ситуацион масалалар ечиш.

Курс лойиҳа (иш)ларининг намунавий мавзуси ва бажарилишига услубий кўрсатмалар

Курс иши фақат "Кредит" мутахассислигида бажарилади.

Ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳамда ривожлантиришнинг асосий воситаси курс ишини ёзишдир.

Курс иши жараёнида талаба нафақат умумий иқтисодий ва махсус фанлар бўйича билимларини мустаҳкамлайди, балки махсус ўқув курсининг бўлимларидан бирини чуқур ўрганади ҳамда илмий мустақил бажариш савиясини ривожлантиради. Бунда ўқитувчи томонидан услубий ёрдам бериш ва назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Курс ишининг асосий мақсади талабининг назарий ва амалий тайёргарлик даражасини

белгилаш, шу билан бирга, олинган билимларнинг илмий даражасини аниқлашдир. Курс ишининг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- танланган курс иши мавзуси бўйича иқтисодий назарий асослаш, моҳиятини очиш ва муаммоларини кўрсатиши;
- ҳақиқий амалий ва статистик материалларни иқтисодий таҳлил қилиш;
- хўжалик органлари ва банк муассасаларининг фаолиятини яхшилаш йўллари ва резервларини топиш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигидаги молия-кредит муносабатларини такомиллаштириши резервларини ишлаб чиқариш борасида конкрет хулоса ва таклифлар билдириш.

Курс иши ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар, иқтисодий ислохотбўйича материалларидан фойдаланган ҳолда юқори назарий даражада ёзилиши лозим. Шу билан бирга курс ишини ёзишда кўрилатган мавзу бўйича банк муассасаларининг амалий материаллари, бирлашма ва корхоналарнинг, ҳисоб материалларидан фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Курс ишини тайёрлашда манбаларни ва бошқа иқтисодий адабиётларни ўрганиш, турли материаллар йиғиш, ишнинг ёзма вариантларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган босқичларни курс ишини ёзишга кетадиган вақтини ҳисобга олган ҳолда режалаштириши алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун курс ишини ёзишда қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

- курс иши мавзусини танлаш;
- танланган мавзу бўйича статистик материаллар йиғиш;
- курс иши режасининг тузиб, уни раҳбар билан келишиш;
- амалий материалларни йиғиш ва қайта кўриш;
- курс иши текстини ёзиш ва диаграмма схема, графиклар билан тўлдириш;
- курс ишини расмийлаштириши ва уни кафедрага текшириш учун тақдим этиш;
- раҳбарнинг кўрсатмалари ва талабларини расман тўлдириш;
- курс ишининг ҳимоясига тайёрланиш.

Юқоридаги босқичлар бўйича вақтнинг тўғри тақсимланиши сифатли курс иши ёзиш учун ёрдам беради. Курс иши 30-35 бетдан ошмаслиги лозим. Бунда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар умумий ҳажмга кирмайди.

Қўлёзма ҳолида курс иши ҳажми тахминан 50-60 бетни ташкил қилиши керак. Матн бир хил рангдаги ручка (қора ёки кўк) билан аниқ ва чиройли ёзилган бўлиши лозим, ҳар бир варақда тақриз ёзувчи ўқитувчининг кўрсатмалари учун ҳошия чизиб, жой ажратилиши керак.

Курс иши мавзуларининг тахминий номланиши

1. Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифалари.
2. Марказий банк монетар сиёсатининг асосий йўналишлари.
3. Пул-кредит сиёсатининг услублари, турлари ва уларни мувофиқлаштириш.
4. Пул-кредит концепцияларининг илк назарий асослари.
5. Пул назариясининг асосий йўналишлари.
6. Тўла қийматга эга бўлмаган пуллар муомалада бўлган вақдаги монетар сиёсат ва номиналистик назария.
7. Монетар сиёсатда номинализм ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
8. Ҳозирги замон монетаризми.
9. Монетаризм пулнинг миқдорий назарияси сифатида.

10. Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширувчи ташкилот сифатида.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан ўзаро муносабатлари.
12. Марказий банкнинг давлат билан ўзаро муносабатлари.
13. Пул-кредитни мувофиқлаштиришда Марказий банкнинг роли.
14. Монетаризм оқимининг пул-кредит назариялари.
15. Монетаризм ҳозирги замон миқдорийлик назарияси.
16. Пулларнинг иқтисодий тизимга таъсир этиш йўллари.
17. Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифалари.
18. Марказий банк монетар сиёсатининг асосий йўналишлари.
19. Пул-кредит сиёсатининг услублари, турлари ва уларни мувофиқлаштириш.
20. Пул-кредит концепцияларининг илк назарий асослари.
21. Пул назариясининг асосий йўналишлари.
22. Тўла қийматга эга бўлмаган пуллар муомалада бўлган вақтдаги монетар сиёсат ва номиналистик назария.
23. Монетар сиёсатда номинализм ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
24. Ҳозирги замон монетаризми.
25. Монетаризм пулнинг миқдорий назарияси сифатида.
26. Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширувчи ташкилот сифатида.
27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан ўзаро муносабатлари.
28. Марказий банкнинг давлат билан ўзаро муносабатлари.
29. Пул-кредитни мувофиқлаштиришда Марказий банкнинг роли.
30. Монетаризм оқимининг пул-кредит назариялари.
31. Монетаризм ҳозирги замон миқдорийлик назарияси.
32. Пулларнинг иқтисодий тизимга таъсир этиш йўллари.
33. Неокейнсчилик, неомиқдорийлик, унинг асосий назарий қоидалари.
34. Пулларга талаб концепцияси.
35. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида етакчи пул-кредит назарияларининг илмий хулосаларидан фойдаланиш имкониятлари.
36. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усуллари ва қуроллари.
37. Пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментлари.
38. Ўзбекистонда монетар сиёсат инструментларининг шаклланиши.
39. Нақд пул оборотини ташкил этиш ва банкдан ташқари пул оборотини қисқартириш масалалари.
40. Ўзбекистон Республикасида эмиссион ишларни ташкил этиш.
41. Монетар сиёсатда давлатнинг роли.
42. Монетар сиёсатдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари.
43. Миллий валютани конвертирлаш - бу ички бозорни жаҳон бозори билан алоқаси сифатида.
44. Фаол пул сиёсати.
45. Пул ва бозор иқтисодиёти шароитида ундан фойдаланиш.
46. Муомаладаги пул массаси ва бозор иқтисодиёти даврида уни бошқариш муаммолари.
47. Ўзбекистон Республикасида пул массаси ва уни бошқаришнинг замонавий муаммолари.
48. Инфляция, унинг сабаблари, ижтимоий оқибатлари ва унга қарши курашишнинг асосий йўллари.
49. Пул ислохотлари ва уларнинг пул тизимидаги ўрни.
50. Пул назарияларининг мунозарали масалалари.
51. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда пул муомаласини Марказий банк томонидан тартибга солиниши (алоҳида мамлакатлар мисолида).

52. Хорижий мамлакатлар Марказий банкларининг ташкилий ва функционал тузилиши.
53. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида банк тизимини қайта қуришнинг мазмуни ва зарурати.
54. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда кредитнинг роли ва вазифалари.
55. Банк ишини бошқариш ва тартибга солишда давлат сиёсатининг таъсири.
56. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг вазифалари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни.
57. Ўзбекистон Республикаси кредит тизими ва уни такомиллаштириш.
58. Иқтисодий ислохотлар шароитида Марказий банкнинг валюта сиёсатининг асосий йўналишлари ва аҳамияти.
59. Халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари.
60. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.
61. Марказий банк томонидан монетар сиёсатни амалга ошириш.
62. Нақд пул муомаласини бошқаришнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги роли.
63. Банк рисклари ва уни бошқариш.
64. Пул обороти, нақд пул массасини чеклаш ва кадрини ошириш йўллари.
65. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг республикада ўрнатилиши.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Интернет сайтлари: www.bizbook.ru, www.chtivo.ru.

Аудио-видео жихозлар. - Мавзуга бағишланган видео кассеталар.

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:

- Пул кредит концепцияларини илк назарий асослари - пул назариялари мавзуси бўйича 2та слайд;
- Монетаризм оқимининг пул -кредит назариялари мавзуси бўйича 2та слайд;
- Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усуллари ва воситалари мавзуси бўйича 2та слайд;
- Пул оборотини прогнозли режалаштириш мавзуси бўйича 3та слайд;
- Ўзбекистон Республикасида эмиссион ишларни ташкил этиш мавзуси бўйича 2та слайд;
- Монетар сиёсатдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари мавзуси бўйича 3та слайд.

"Пул муомаласи" компьютер дастури.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр(ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ) - 35%;
- оралиқ баҳолаш (ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш (ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорда белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБда тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш боскичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" - 68,8 - 80,0 балл;
- 71 - 85 - "яхши" - 56,8 - 68,0 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 44,0 - 56,0 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. "Ўзбекистон Республикаси банклар фаолияти тўғрисида"ги қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари 1995 й. 5 январдан 2001 йил 1 январгача Тошкент Адолат 2000.
4. Нормативные акты по банковской деятельности за 1998, 1999, 2000, 2001. - Т., 2001.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2000.
7. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. -Т.: Молия, 2000.
8. Александрова Н.Г. и др. Банки и банковская деятельности для клиентов. - С-Пб., 2002.
9. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: основные принципы функционирования. -М.: Ист-Сервес, 2001.
10. Абашина А. М., Симонова Н.Н. Кредит и займы. -М.: Дело, 1997.
11. Аникин А.В. Защита банковских вкладчиков. - М.: Дело, 1997.
12. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пос. для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Товашева, -М.: Юнити-Дана, 2001.
13. Брызгалин А.В. Берник В.Р. Валютный контроль на предприятии. - М.: Дело, 2000.
14. Богаров В.В. Управление денежным оборотам предприятий и корпораций. - М.: Дело, 2001.
15. Банки и банковское дело / Под. ред. И.Т. Балабанова. - С-Пб: Питер, 2001.
16. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика -М.: ПРИОР, 2000.
17. Братко А.Г. Центральный банк в банковской системе России - М.: Спарк, 2001.
18. Викулин А.Ю. Антимонопольные регулирования рынка банковских услуг. Учеб. пос. -М.: Финстатинформ, 2001.
19. Варьяш И.Ю. Банковская социология. Экспертные оценки в банковском деле. -М.: Финансы и статистика, 1999.
20. Гладкова И.Н. Наличные рубли и валюта. -М.: ЮНИТИ, 1999.
21. Глушенко Е.В. и др. Теория управления. -М.: Дело ЛТД, 1997.
22. Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит. -М.: Финансы, 1997.

23. Джарбеков С.М. Посреднические операции. -М.: Финансы и статистика, 2000.
24. Деньги, кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пос. для вузов - Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
25. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки, Ценные бумаги Практикум: Учеб. пос. -М.: ЮНИТИ, 2001.
26. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки. Учеб. -М.: ЮНИТИ - 2001.
27. Зулъяров А. Банк хукуқи. - Т.: Молия, 2000.
28. Ибратов Б. Тадбиркорлик хукуқи. - Т.: Молия, 2001.
29. Иминов О.К. Кредитный механизм современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
30. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001 йил.
31. Карпова Т.П. Основы управления учета.-М.: АРКАЮР, 1997.
32. Капитоненко В.В. Инвестиции и хеджирование. Учеб. прак. пос. для вузов. -М.: РДЛ, 2001.
33. Казимагомедов А.А., Ильясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Инфра, 2001.
34. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта для старого света. Проблемы становления и перспективы развития Европейского экономического и валютного союза. - М.: ПРИОР, 2000.
35. Купчинский В.А., Уминич А.С. Система управления ресурсами банка. - М.: Инфра, 2000.
36. Кидуэлл Д.С., Петерсон Р.Л. Бескуэлл. Финансовые институты, рынки и деньги. - С-Пб.: Питер, 2000.
37. Лаврушин О.И. Банковские операции. - М.: Дело, 1996.
38. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков. - М.: РДЛ, 2000.
39. Муллажанов Ф. Банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
40. Миркин Я.М. Банковские операции часть 1, 2, 3. - М.: Инфра, 1997.
41. Морозова Л.Л. Анализ типичных ошибок. 1, 2 ч. С-Пб.: Бизнес-Пресса, 1997.
42. Матдин А.М. Деньги и экономические решения. - М.: ЮНИТИ, 2001.
43. Миллер Л.Р., Девид Д. Ван-Хуз. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. - М.: Бизнес школа, 2000.
44. Нестерова Т.Н. Банковские операции. - М.: Дело, 2001.
45. Окофордская иллюстрированная энциклопедия. В 9т. 3-2-е изд. испр. Всемирная история. С древнейших времен и др. -М., 2000.
46. Парфинов К.Г. Прфинова Д.Л. Операционная техника и учет в коммерческих банках. - М.: Инфра, 1997.
47. Панова Г.С. Банковское обслуживания частных лиц. -М.: Дело, 2000.
48. Попов В.В. Банки на переходе. - М.: ЮНИТИ, 2001.
49. Парфенов К.Г. Банковский план счетов и правила ведения бухгалтерского учета. - М.: Инфра, 2001.
50. Савчук В.П. Примекко С.И. Величко Е.Г. Анализ, разборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. -Киев: Эльга, 1999.
51. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом -М.: ВО Перспектива, 1998.
52. Тавасиев А.М. и др. Расчетные и кассовые услуги банка. Учебное пособие М.: Финансы и статистика - 2001.
53. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. -М.: Финансы и статистика, 2001.
54. Тавасиев А.М. и др. Конкуренция в банковском секторе России. Учеб. пос. -М.: Финансы и статистика, 2001.
55. Тожиев Р.Р., Жумаев Н.Х. "Марказий банкнинг монетар сиёсати", Ўқув қўлланма, ТДИУ, 2002 й.
56. Фатхудинов Р.А. Разработка управленческого решения. - М.: ЮНИТИ, 1997.

57. Шеррин де Ковин, К. Такки. Стратегия хеджирования. - М.: ЮНИТИ, 1997.
58. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке. - М.: Финансы и статистика, 2000.
59. Интернет сайтлари:

- www.banking.com - минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
- www.banking.com/aba - Америка банклари ассоциацияси.
- www.state.ct.us/dob - коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва қўриқлаш саноатини бошқаради.
- www.arraydev.com/commerce/JIBC - интернет банкинг ва коммерция журнали.
- www.bankingtech.com - банк технологиялари.
- <http://www.bankreferatov.ru> - Рубрика Рефераты, курсовые, дипломы на тему "Банковское дело".
- <http://books.listsoft.ru/book.asp?cod=10298&rp=4&up=1> - Перевод популярного в Англии учебного пособия по изучению банковского дела, используемого при подготовке к сдаче квалификационных экзаменов.
- http://www.zhurnal.ru/5/vir_tech.htm - НОУ-ХАУ ВИРТУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, раздел "Банковское дело".

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1999, 2002.
2. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2000, 2002.
3. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: принципы функционирования. - С-Пб.: Бизнес-Пресса, 2001.
4. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения Учеб. пос. - М.: ЮНИТИ, 2001.
5. Бунмен Г.В, Золотая Валюта пониманию к макроэкономике государства и мира. - М.: Перспектива, 2000.
6. Гафарлы М.С. и др. Узбекская модель развития. -М.: Инфра, 2000.
7. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. - М.: Юнити, 2001.
8. Захаров К.В, и др. Логистика, эффективность и риски внешнеэкономических операции. - М.: ИНЭКС, 2001.
9. Костюнина Г.М. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. Учеб. пос. - М.: Инфра, 2001.
10. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта Старого Света. - М.: Дело, 2000.
11. Кратко И.Г. Международная предпринимательство. Учеб. пос. - М.: Финансы и статистика, 2001.
12. Купчинский В.А. Система управления ресурсами банка. -М.: ПРИОР, 2000.
13. Ломагин Н.А. и др. Введение в теория международных отношений и анализ внешней политики. Учеб. пос. - М.: Информ, 2001.
14. Лачинов М.М. Основы внешнеэкономической деятельности в строительстве. Учеб. пос. -М.: РДЛ, 2001.
15. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков. -М.: Дело, 2000.
16. Любимцева С.Н. Курс английского языка для финансистов Учеб. - М.: Финансы и статистика, 2001.
17. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. Пер с англ. -М.: ИНФРА-М, 2000.

18. Мировая экономика, международные экономические отношения. Серия учебники. Учеб. пос. под ред. Акоповой. Е.С. -М.: Феникс, 2001.
19. Международные экономические отношения. Под. ред. Ливенцева Н.Н. - М.: ЮНИТИ, 2001.
20. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учеб. пос. под ред. Акоповой Е.С. - М.: Феникс, 2001.
21. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под ред. проф. В.П.Колесова и др. - М.: Феникс, 2001.
22. Пивоваров А.Г. Англо-русский словарь по внешней торговле и международный транспортным операциям. - М.: Дело, 2001.
23. Погорлецкий А.И. Экономика и экономическая политика Германии в XX веке. - С-Пб.: Бизнес-Пресса, 2001.
24. Постников С.Л. Мировая экономика и экономическая положение России. Сборник статистике. - М.: Финансы и статистика, 2001.
25. Риски финансового сектора Росийский Федерации. Практ пос. - М.: Ф и С, 2001.
26. Сидельникова Л.Б. Аудит коммерческого банка. - М.: Инфра, 1996.
27. Стригин А.В. Мировая экономика. - М.: Дело, 2001.
28. Тавасиев А.Н. Банковское дело: управление и технологии. - М.: Финансы и статистика, 2001.
29. Хамедов И.А. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
30. "Бозор, пул ва кредит" журналлари 2001-2002 йиллардаги сонлари.
31. "Банк ахборотномаси" газетаси 2002 йил сонлари.